

Жамоада барқарор муҳитни шакллантириш, меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйишда касаба уюшмасининг ўрни ўта муҳим. Нафақат ходимни, балки уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳам муружаатлар ортмоқда. Бу эса фаолиятимизни доимий равишда такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Таъкидлаш жоизки, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашга кўмаклашиш борасида амалга оширилаётган ишлар аъзоларимизнинг манфаатдорлигини таъминламоқда.

Ички туризмни ривожлантириш, юртдошларимизни қадимий шаҳарларимиз, юз бераётган бунёдкорликлар билан яқиндан таништириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бу борада касаба уюшмалари иштироки салмоқли тус олмақда. Биз ҳам аъзолардан 268 нафарининг Биз ҳам шахрига, 30 нафарининг «Султон Увайс бобо» ҳамда «Шайхи Жалил» қадимжоларига зиёратини уюштирдик. 162 нафар касаба аъзоси Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарлари, шунингдек, Нукус шаҳридаги Савиқий номидаги музейда бўлиб қайтди. Албатта, сафар-харажатлар иш берувчи ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида қолганди.

Байрамлар муносабати билан ташкил қилинаётган маданий тадбирлар, кўрик-танлов ҳамда спорт мусобақалари жамоаларни жипслаштиришда, кўтаринки руҳ бағишлаб, иш унумдорлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Йилнинг ўтган даврида 1569 нафар ходимга 85 миллион 745 минг сўмлик совғалар топширилди. Қолаверса, «Ҳамшира – 2019», «Баҳор маликаси», «Биз соғлом турмуш тарafdоримиз», «Энг намунали бошланғич ташкилот», Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоат назоратини ташкил этиш бўйича республика кўрик-тан-

ловининг биринчи босқичи ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган беш ташаббуснинг бири ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш экани тасарруфимиздаги муассасаларда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларига янада кўтаринки руҳ бағи-

Аъзолар биздан нималар кутмоқда?

шлади. Саломатлик посбонлари ушбу ташаббуснинг аҳамиятини юртдошларимиз орасида тарғиб қилиш баробарида, шахсий ибрат намунасини ҳам кўрсатмоқда. Ўтган даврда ходимлар ўртасида футбол, шашка, шахмат ва энгил атлетика бўйича мусобақалар ташкил этилди. Айниқса, Наврўз байрамига бағишлаб Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт Маркази вилоят филиалида ўтказилган энгил атлетика ва шашка мусобақалари ҳамда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий Маркази Хоразм филиалида уюштирилган илмий-амалий тиббиёт Маркази вилоят филиалида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Кези келганда, кўпчилик ташкилотларда ходимлар гимнастикаси йўлга қўйилганлигини таъкидлашни истардим. Бу борада Республика кардиология илмий-амалий тиббиёт Маркази вилоят филиалида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Фахрийларга эъзоз-эътибор кўрсатиш, эҳтиёмдорларни қўллаб-қувватлаш касаба уюшмаларининг доимий диққат-марказида. Жумладан, жамоа шартнома ва келишувлари орқали 11 нафар пенсия ёшидаги шахсга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам ва қимматбаҳо совғалар берилди. 15 нафар ходимга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо тўғралар тақдим этилди. Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 6 нафар ёш онага, 17 нафар кам таъминланган ёш оилалар вакилларига моддий ёрдам ажратилди. Давлат дастури

оромгоҳида 26 нафар бола дам олдирилди.

Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш мақсадида бирлашган касаба уюшма кўмитасига аъзо ташкилотлардан 16 тасида «Тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик – бебаҳо неъмат», «Миллий армиямиз тавсифи: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари – юрт тинчлиги ва хавфсизлигининг кафолатидир», «Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятнинг асосий принциплари», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январда имзолаган «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳияти, «Мустақил Ўзбекистонда маънавият масалаларининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ва бунинг сабаблари» мавзуларида маънавият соатлари ташкил этилди. Уларда 1553 нафар ходимнинг иштироки таъминланди. 20 та муассасада «Миллий қадриятларимиз – бекиёс бойлигимиз», «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Шу кунларда барча бошланғич ташкилотларимизда фаоллар иштирокида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилиняпти. Ушбу ҳужжат лойиҳасининг мазмун-моҳияти, уни янада бойитиш юзасидан таклифлар киритилляпти. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши, шак-шубҳа йўқки, ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг одамларни рози қилишга қаратилган сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда халқимизнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Гулхон АМИНОВА, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси

Меҳнат кодекси ва бошқа қонунларда ходимлар учун имтиёз ҳамда кафолатларнинг энг кам миқдори белгилаб қўйилган. Ушбу ҳужжатлар мажбурий ҳисобланади ва ташкилий-ҳуқуқий структурасидан, мулк шаклидан қатъи назар, барча корхона, ташкилотларда ижро этилиши лозим. Жамоа шартномалари орқали ушбу имтиёз ва кафолатларнинг юқори даражаси белгиланиши мумкин.

Ижтимоий шерикликнинг муҳим асоси

Ижтимоий шериклик таъминоти амалга ошириш механизми жамоа келишув ва шартномалари, қўшма қарорлар, қўшма ҳужжатлар, касаба уюшмалари билан келишиб қабул қилинган бошқа ҳужжатлар тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Жамоа шартномаси корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий ва касба оид муносабатларни тартибга солиди. Мазкур ҳужжат «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастури»да белгилаб берилган касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий восита ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 177-моддасига асосан «Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиш, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қонунлари ва талабларига эътибор билан қарashi, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши учун жамоа шартномаларини тузиш шартлиги» белгилаб қўйилган.

Меҳнат кодексининг 177-моддасига асосан «Иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиш, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қонунлари ва талабларига эътибор билан қарashi, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши учун жамоа шартномаларини тузиш шартлиги» белгилаб қўйилган.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши маъсул ходимларнинг меҳнат таътилларига 3 иш кунидан 7 иш кунигача иш ҳақи тўлар, юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиши, уларга давр талабидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ва ўзгартришлар киритилмоқда.

Ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада қабул қилинадиган жамоа шартномалари муҳим аҳамиятга эга. Бунда корхонанинг имкониятларига мос равишда иш берувчи томонидан ишловчиларнинг иш шароитини яхшилаш, меҳнатни муҳофазаси қилиш, маданий-маърифий ва бошқа масалалар бўйича мажбуриятлар белгиланган бўлиб, уларни ижобий ҳал қилиш нафақат иш берувчига, балки касаба уюшма кўмитаси раиси ва унинг аъзоларига ҳам катта вазифалар юклайди.

Ижтимоий ҳимоя чоралари сифатида жамоа шартномаларига қуйидаги тадбирлар киритилмоқда: фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оналар, фарзандлари 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган оналарга моддий ёрдам кўрсатиш, корхоналар ҳисобидан ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш, ишловчи аёлларга бериладиган туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари кунини

Рустам МИРХУЖАЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг ижтимоий ҳимоя масаласи бўйича бош мутахассиси

Қашқадарё вилояти

Фаолиятга назар

Касаба уюшмасига бўлган ишонч қачон ортади? Ходимлар ва иш берувчининг касабакўм етакчисига елкадош сифатида қараш, унга суяниши учун нималар қилиш лозим?



Ходимлар елкадоши

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Яккабўғ тумани кенгаши фаолияти билан танишар эканмиз, юқоридаги саволларга жавоб топадиган бўлдик.

Туман кенгашига жорий йилнинг олти ойида 345 та муружаат тушган. Улар қаноатлантирилиб, 32 нафар ходимга ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтириш берилган.

Алақўйлак қишлоғидаги 96-ўрта умумтаълим мактабида математика фанидан дарс бераман, – дейди педагог Жамшид Ғаниев. – Дарс ва тўғарак машғулотида бир мунча толиққанним боис, таътил пайтида сўхатгоҳда хордиқ чиқариш истаги туғилди. Тармоқ касаба уюшмаси Яккабўғ тумани кенгаши раиси Алишер Хонназаровга мақсадимни айтдим. Зарур ҳужжатларни тақдим этгач, қисқа фурсатда «Қашқадарё соҳили» санаторийсига йўлланма олдим. Қарши шаҳридаги баҳаво соҳил бўйида 12 кун давомида дам олдим, муолажалардан сўнг руҳиятим тетиклашди.

Сира сўхатгоҳда дам олмаган эдим, – дейди тумандаги 14-ихтисослашган мактаб-интернати муаллимаси Зебо Сотова. – Касаба уюшмаси кўмагида Бўстонлиқ туманидаги «Оқтош» санаторийсида саломатлигимни тикладим. Сўхатгоҳдаги ажойиб шароит, сифатли муолажалардан сўнг янги куч-гайрат ва иштиёққа тўлиб, уйга қайтдим...

Ҳозиргача 100 нафарга яқин ходим соғломлаштирилди, – дейди тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Али-

шер Хонназаров. – Санатор-курортлар бошқармасига қарашли санаторийларда сўнгги йилларда дам олувчиларга яратилган шароитлар замон талабларига мос равишда яхшиланиши учун йўлланма сўровчилари сони ҳам ортди. Имконият даражасида талабларни қондиришга ҳаракат қилаямиз.

Мамлакатимизда ички туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилётгани касаба уюшмалари зиммасига ҳам қўшимча масъулият юклайди. Шунга кўра, жорий йилда кам таъминланган, ишда фаоллик кўрсатган ходимлар Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларига саёҳат қилишди. Бундан ташқари, 2000 нафардан ортиқ ўқувчиларнинг Шаҳрисабздаги «Оқсарой» мажмуасига, Соҳибқирон бобомиз туғилган Хўжа Илғор қишлоғига саёҳатлари ташкил қилинди.

Ҳеч бир жамоа спорт тадбирларидан четда қолмаслиги керак, – дейди А.Хонназаров. – Шу боис, бирор мусобақа ўтказмоқчи бўлсак, аввал 18 та хуудда саралаш ўйинларини ўтказиб оламиз. Гуруҳларда сараланган, ғолиблар иштирок этган туман босқичи эса ҳақиқий кумраш майдонида, спорт ва шижоат байрамига айланиб кетмайдими тикладим.

Бу йилдан «Энг фаол ёш ишчи касб эгаси»ни аниқлаш ҳам йўлга қўйилди. Бу танловлар ёшларга камолот пиллапоилари вазифасини ўташи шубҳасиз.

Акмал АБДИЕВ, «ISHONCH»

Навоий вилояти

Ёзги соғломлаштириш

«Зарафшон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳар мавсумда Зарафшон шаҳри, Нурота, Томди, Конимех, Учқудуқ туманларидан 600 нафар болажон дам олдирилади.

Ҳар дақиқа завқли

– Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббус бугун барчамизнинг диққат-эътиборимизда, – дейди «Зарафшон» БСО директори Г.Холматова. – Хусусан, ушбу режалар асосида ўтказилган «Мен севган оромгоҳ» мавзусида асфальт расм чизиш, «101 хабар беради», «Энг яхши оромгоҳ эмблемаси», «Турли миллат рақслари», «Аждодларга муносиб издош бўлайлик» мавзуларидаги танловлар болажонларда ўзгача таассурот қолдирди.

Оромгоҳда болажонлар мураббийлар Анвар Қурбонов, Қаҳрамон Бобоқолов, Рўзимурод Йўлдошев ва Бекзод Рўзиев назоратида ҳавас қиларли натижаларга эришмоқда. «Табиий хусусиятли фавқуллода вазиятларда қандай ҳаракат қилиш мавзусидаги амалий машғулотлар болаларнинг билим ва кўник-




масини оширмоқда.

Оромгоҳ кутубхонасида эса турли давра суҳбатлари, тадбир ва кўрик-танловлар ўтказилади. Хусусан, болаларнинг сеvimли ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев асарлари юзасидан ҳамда «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Мен севган адиб» мавзуларидаги давра суҳбатлари тарбияланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Дарҳақиқат, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш ўта долзарб масала бўлиб, ёшлар маънавий жиҳатдан қанчалик баркамол бўлса, турли ёт иллатларга қарши иммунитетини ҳам шунчалик кучли бўлади.

Диларфўз УРОЗОВА, Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг ёшлар масалалари бўйича раис маслаҳатчиси



Сўнги пайтларда оммавий ахборот воситаларида коррупцияга қарши курашиш, порахўрлик жиноятини содир этишда гумонланиб, тергов қилинаётган шахслар ҳақидаги хабарларни кўп ўқиямиз, эшитамиз. Албатта, айбдор шахслар тегишли жазага тортилиши, бу иллатга қарши мурасиз курашиш лозим. Лекин, энг аввало, ҳар бир давлат ташкилотининг ўзи тизимидаги ташкилотларда коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ ҳаркатларни амалга ошириши, турли хавф-хатарларни баҳолаши, улардаги коррупциявий омилларни энг кам даражага тушириши керак.

Адлия вазирлиги: КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тизимни «Коррупциясиз соҳа»га айлантириш осон иш эмас. Бу ишда тартиб, қатъийлик принципиаллик бўлмас экан, коррупцияга қарши курашиш баландровоз гап бўлиб қолаверади. Шу сабабли Адлия вазирлиги коррупцияга қарши курашишда аниқ режа асосида иш юритмоқда.

ишлайётган 18 нафар ходим лавозимидан озод этилди. Жумладан, нотариус ёрдамчиси миждан ортиқча пул маблағи олгани учун ўша нотариал идорадаги барча ходимлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди.

Адлия органлари ва муассасалари фаолиятида коррупцияга қарши курашишда халқаро коррупцияга

ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР БАЗАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Аввало, вазирлик коррупцияга қарши курашиш бўйича мустақкам ички метъерий ҳужжатлар базасини яратишга алоҳида эътибор қаратди. Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, адлия органлари ва муассасалари ходимларини ротация қилиш, давлат нотариал идораси нотариусларини алмаштириш (ротация қилиш) тартиби тўғрисидаги низомлар ҳамда Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш мақсадида қабул қилинган махсус дастурнинг асосий мақсади ходимларда коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик, коррупция учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашдан иборат. Адлия вазирлиги қошида коррупцияга қарши курашиш кенгаши тузилди. Ушбу Кенгаш коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурнинг ижро этилишини назорат қилиб боради.

Бундан ташқари, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методикаси тасдиқланиб, ҳар чоракда тизим идоралари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш тадбирлари амалга оширилиб, коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган функциялар (ваколатлар)нинг ва лавозимларнинг рўйхати шакллантирилди.

ВИДЕО ВА АУДИО ЁЗУВЛАРГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

Адлия органлари ҳамда муассасалари маъмурий биноларида жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг вакилларини қабул қилишда видео ва аудиога ёзиб олиш тизими жорий этилди.

Адлия органлари ва муассасаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақидаги хабарларнинг ўз вақтида етказилишини таъминлашга қўшимча имконият яратиш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида «@antikorbot» номида махсус бот яратилди.

Махсус бот орқали шу кунга қадар 2 мингдан ошдиқ тезкор хабарлар келиб тушди. Бу хабарларга асосан ўтказилган хизмат тегишли вакиллари натижасига кўра тизимда

қарши курашувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Хусусан, Сингапур, Франция, АҚШ, Германия каби ривожланган давлатлар тажрибаси билан бирга Қозоғистон, Беларусь каби ривожланаётган давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилди. Халқаро ташкилотларнинг маърузалари аниқлаш бўйича бевосита жамоатчилик ёрдамига таянилмоқда.

МАКСИМАЛ ДАРАЖАДАГИ ШАФФОФЛИК

«Очиқ адлия» дастури қабул қилинди. Дастур фуқаролар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш имконини кучайтирди. Эътибордан четда қолаётган камчиликлар, қолаверса, ўз вазифасини лозим даражада бажармаётган ходимларни аниқлаш бўйича бевосита жамоатчилик ёрдамига таянилмоқда.

Очиқликнинг яна бир намунаси сифатида Адлия вазирлиги веб-сайти (adliya.uz) фаолиятига тўхталиб ўтиш жоиз. Унда фуқаролар адлия органларига юборган ўз мурожаатларини кузатиб бориши мумкин. Яна бир муҳим жиҳат шуки, адлия органлари ходимлари устидан берилган ҳамда ўз тасдиғини топган шикоятлар ҳақида маълумот олиш имконини берувчи махсус платформа ишга туширилди.

Вазирлик биносида хизмат хоналарининг жойлашиш структураси ҳам очиқлик ва шаффоқлик тамойили асосида қайта кўриб чиқилди. Ходимлар кунлик фаолияти бемалол кузатиб бўладиган даражада жойлаштирилди. Бу эса иш унумдорлигини оширади.

Очиқликнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бу, шубҳасиз, молиявий маълумотлардир. Молиявий маблағларнинг сарфи, нима мақсадларда ажратилаётгани, умуман, Адлия вазирлиги ва унинг таркибий бўлинмаларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ маълумотлар вазирлик веб-сайтида эълон қилиб борилмоқда.

Бунда харажатлар, уларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ ҳисоботлар, харид қилиш билан боғлиқ шартномалар рўйхати билан танишиш мумкин бўлади.

Муҳим янгиликлардан яна бири – бу адлия органларининг ҳар йил якуни бўйича аҳолига бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот беришидир. Мазкур ташаббус 2018 йил якуни бўйича амалга оширилди ва «Адлия ҳисобот беради» номида рисола тайёрланиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

КЕНГ ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 10 мингтадан ошдиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди. Хусусан, 50 минг нусхада 8 хил турдаги инфографика, буклет ва флаерлар тарқатилди. 10 тага яқин ижтимоий роликлар тайёрланиб, телеведениеда намойиш этилди ва ижтимоий тармоқларда тарқатилди. Хусусан, ижтимоий тармоқларда танили ақтёрлар иштирокидаги «Мен қонунман» номида ижтимоий ролик миллион мартабадан ортиқ кўрилди.

ҲУҚУҚБУЗАРЛАРГА ҚАТЪИЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Давлат нотариал идораси, нотариал архив ва давлат хизматлари марказлари ходимлари фаолиятида меҳнат интизоми, Адлия вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши, шунингдек, улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши устидан доимий назорат олиб бориш мақсадида 1 028 та қисқа мuddатли текширишлар (рейд тадбирлари) ўтказилиб, 832 нафар масъул ходимга тегишли жазо чоралари кўрилди.

Шу билан бирга, 670 та «сириқ миждоз» тадбирлари ўтказилиб, реал хизмат олувчи шахс сифатида давлат хизматлари жараёнида қатнашиш орқали хизмат кўрсатишининг сифати, мuddати, шарт-шароити ўрганилиб, 221 нафар масъул ходимга тегишли жазо чоралари кўрилди.

5316 нафар ходим орасида профилактик суҳбатлар ўтказилиб, бунда ходимларни Адлия вазирлиги ходимларининг жамиятда қабул қилинган ҳуқуқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этиш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарлик муқаррарлиги тушунтирилди.

Сарҳисоб



Муносабат

Қалбни Эгалласа Илм Зиёси...

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус замирида ҳам баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шароитлар яратиш, уларни комил фарзанд даражасига етказиш бош мезон сифатида олингани бежиз эмас, албатта.

Инсоннинг жамиятдаги ўрни унинг моддий бойликлари билан эмас, балки юксак маънавий қийфаси билан белгиланади. Маънавият ота-боболаримизга хос жамикчи яхши фазилатлар, қадрият ва аъёналар мажмуи, қолаверса, улар тўплаган тарихий-ижтимоий тажриба ва барча қарашларни ўзида мужассам этади. Буюк мутафаккир Бобомиз Алишер Навоий маънавий меросида тўғрилиқ, ростгўйлик, одиллик тушунчалари кенг ўрин эгаллаган бўлиб, бутун ҳаёти ва фаолияти инсоният бахт-саодати, халқ осойишталиги, мамлакат фаровонлиги, ободончилик ишлари, меҳр-мурувват, илм-фан, санъат ва адабиётнинг равнақига бағишланган.

Ғурур-ифтихори юксак, мақсад-муддаоси аниқ, кўп ўқиган инсоннинг маънавияти ҳам юксак бўлади. У ҳар қандай синов, ҳар қандай машаққат олдида чекинмайди. Юрт, эл дардини ўз дарди, лоқайдликни энг катта душмани деб билади. Шу ўринда

машҳур файласуфлардан бирининг куйидаги фикрларини келтириш жоиз: «Душманлардан қўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан қўрқма – нари борса, улар сенига хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам. Фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади». Шундай экан, ҳар бир инсонда Ватани, уни ўраб турган муҳитга нисбатан дахлдорлик, масъулият ҳисси шаклланиб бўлса, у комилликка юз боради. Аслида, унинг қамолоти, маънавияти Ватанига бўлган меҳр-муҳаббати ҳамда садоқати билан ўлчанади. Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик, зеро Ватан тақдирини ҳар биримизнинг тақдиримиздир, дея бу йўлда курашувчилар ўқийди, изланади. Илм нурини қалбга жойлайди. Зеро 5 та муҳим ташаббус бу йўлда ёшларимиз учун, нафақат дастуриямал, кенг имконият ҳамдир.

Балқий устоз айтар: ҳадисиздир илм, ўқидим, ангадим – билимсизлигим. Юзи нурил, бордир меҳриғиёси, Қалбни эгалласа, илм зиёси.

Китоб – энг яқин дўст, дилинга қувват, Инсонга беради азм-у шижоат, Жаҳолатга қарши турар маърифат, Қалбни эгалласа, илм зиёси.

Хурида ЗАРИПОВА,
Вобкент туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси,
Халқ таълими аълочиси

Сил – дунёда кенг тарқалган юқумли касалликлардан бири. Тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларга қарамай, уни батамом йўқотиш ҳамон мушкуллигича қолмоқда. Ҳозирда силнинг олдини олиш, касалликни эрта босқичларда аниқлаш ва хавфли оқибатларини камайтириш мамлакатимиз фтизиатрлари олдидаги асосий вазифа бўлиб турибди.

ЮҚИШИ

Сил таёқчалари ҳаво орқали тарқалади. Улар касалланган кишиларнинг ўпкасида ривожланади ва кўпаяди. Бемор йўталганда, акса урганда, гаплашганда сил бактериялари ҳавога ажралиб чиқади. Сил бактериялари ҳаво

ратли шаклга ўтган бўлади.

Ўпка тўқимаси сил бактерияларининг кўпайиши учун қулай муҳит ҳисобланади. Сил бактериялари у ерга тушганда яллиғланиш содир бўлади. Сил секин ривожланадиган ва узоқ давом этадиган касаллик. Аммо унинг ўт

Сил – бедаво хасталик эмас!

ҚАНДАЙ КАСАЛЛИК?

Одатда кўпчилик силни ночор ҳаёт кечирадиганлар касаллиги, деб ўйлайди. Бу нотўғри ёндашувдир. Чунки фаровон ҳаёт кечираётган одамлар ҳам унга чалиниши мумкин. Шу боис, ушбу хатolik жамиятнинг умумий муаммоси эканини унутмаслик лозим. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, сил касаллиги бутун дунёда кенг тарқалган

ўлим сабаблари ўнталлигига қиради.

Сил хасталиги, биринчи навбатда, ўпкани зарарлайди. Баъзи ҳолларда бошқа органлар – суюқлар, тери, ичакка ҳам «хужум» қилиши мумкин. Бугунги кунда сил касалликлари рини даволаш мумкинлиги тўлиқ исботланган. Агар сил касаллигини аниқлаш ва даволаш тўғри ташкил этилса, бемор, албатта, тузалиб кетади.

бир неча соатгача сақланиши мумкин. Агар очиқ (юқумли) шаклдаги сил билан касалланган бемор шамоллатилмаган хона (иш жойи, касалхона палатаси, жамоат жойлари, транспорт)да узоқ вақт бўлган бўлса, шу ердаги ҳавода айланаб юрган бактерияларнинг сони шунчалик кўпайиб кетадики, улар бошқа кишиларнинг нафас йўлларида осонликча ўтади. Бу – сил юқтиришининг асосий йўли бўлиб, «ҳаво-томчи» усули деб аталади. Демак, ҳеч ким силнинг юқтиришдан ҳимояланган эмас.

Силнинг очиқ шакли эса атрофдагилар учун жуда хавфли ҳисобланади. Шунинг учун уни шифохонада даволаш зарур. Силнинг очиқ шаклидан азият чекувчи кишилар билан узоқ вақт мулоқотда бўлиш – катта хавф. Силни ҳар қандай ёшда ҳам юқтириши мумкин. Айниқса, болалар ва камқувват катталар учун бу касаллик катта хавф туғдиради. Бемор билан узоқ вақт ва тез-тез муносабатда бўлинса, касалликни юқтириш хавфи ортади.

РИВОЖЛАНИШИ

Бугунги кунда сил билан касалланганларнинг 50 фоизи кеч аниқланади. Уларнинг 10 фоизидан эса касаллик ўтказиб юборилган, кўп ҳолларда асо

қир ва тез зўрайдиган шакллари ҳам мавжуд.


Агар касаллик ўз вақтида аниқланиб, даволанса, силнинг ривожланиши бошлангич даврдан тўхташиб, ўпка ва бошқа аъзолардаги катта участкаларнинг парчаланиши олдини олиш мумкин.

БЕЛГИЛАРИ

Касаллик ривожланишида йўтал, қувватсизлик, кўп терлаш, кўкрак қафасида оғриқ, иштаҳанинг камайиши, озиб кетиш, тез чарчаш каби белгилар кузатилади. Кўпинча одамлар бундай белгиларга эътибор қилмайди. Аксарият ҳолларда шифокорга мурожаат этмайди ёки мустақил даволанишга уринади. Йўтал – силга хос белгидир. Агар йўтал 2 ҳафтадан кўп ҳафтиса, дарҳол шифокорга мурожаат этиш лозим.

ДАВОЛАШ

Силнинг давоси бор. Бунинг учун унга қарши 4-5 хил дориларни қабул қилиш етарли. Даволашнинг бутун даври мобайнида назорат ўрнатилиши шарт. Яъни, тиббий ходимлар беморнинг дориларни ўз вақтида ичишини доимо кузатиб туриши керак.



Хасталик узоқ вақт, камида 6-8 ой мобайнида даволанади. Шундагина барча сил бактерияларини бутунлай йўқотиш мумкин. Силни даволаш давлат томонидан бепул амалга оширилади.

Нотўғри даволанганда оддий сил мултирезистент шаклга ўтади. Бу хасталикнинг янада хавфли шакли бўлиб, унда сил бактериялари барқарорлик касб этади. Бунда касалликка дорилар таъсир қилмай қўяди.

Мултирезистент сил нотўғри даволашни оқибатида, асосан дориларни ўз вақтида қабул қилишда узилишлар рўй берганда юзага келади. Мултирезистент силни даволаш мураккаб жараён бўлиб, узоқ вақт талаб қилади. Шу сабабли беморлар, уларнинг яқинлари, тиббиёт ходимлари сил касаллигини даволашда узилишларга йўл қўймаслиги зарур.

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЛАНИШ МУМКИНИ?

Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, ўз вақтида шифокорлар кўригидан ўтиб туриш касалликни эрта босқичларида

аниқлаш ва уни осонликча бартараф этиш имконини беради. Тўғри овқатланиш ва спорт билан шуғулланиш ҳам силга қарши курашда муҳим аҳамиятга эрилади.

Яна бир муҳим эслатма: овқат ҳамда сувни бошқалардан алоҳида истеъмол қилиш, барчадан ажралган ҳолда ҳаёт кечирши мумкин, аммо шахсий ҳавога эгалик қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳамма сил билан касалланган беморларнинг шифо топишига ёрдам бериши зарур. Зеро, нафас оладиган ҳаво-мизини сил бактериялари билан зарарланишига йўл қўймаслигимиз лозим. Шундангина ўпкамиз улардан тоза бўлади ва дард бизга таҳдид соломмайди.

Ижодбек АСҚАРОВ,
Фарғона вилоятидаги 2-сил касалликлари қарши курашиш диспансери фтизиатри



